

ЎЗБЕК
ХАЛҚ
МУЗИКАСИ

II

УЗБЕКСКАЯ НАРОДНАЯ МУЗЫКА



Собрал и записал
ЮНУС РАДЖАБИ
Под редакцией
И. А. АКБАРОВА



ТОМ

*Государственное издательство
художественной литературы Узбекской ССР*

ТАШКЕНТ

1 9 5 7

ЎЗБЕК ХАЛҚ МУЗИКАСИ



Шўпловчи ва нотага олугчи


ЮНУС РАЖАБИЙ

И. А. АКБАРОВ

тахрири остида



ТОМ



Ўзбекистон ~~Давлат~~ Давлат
Ҳадиий Адабиёт Нашриёти
ТОШКЕНТ
1957

В целях облегчения пользования песенными материалами сборника для читателей, не владеющих узбекским языком, текст песен дается в подстрочном русском переводе.

Подстрочный перевод *М. Салье*
Музыкальный редактор *Ильяс Акбаров*
Редактор узбекских текстов *Тураб Тула*
Редактор русских текстов *Н. Гербеева*
Художественное оформление *И. Икрамова*
Технический редактор *Я. Пинхасов*
Корректоры *М. Рустамов, Н. Курилова*

* * *
Подписано в печать 23/1 1957 г. Формат 70×108¹/₁₆.
Печатн. л. 37,5 + 5 вклеек. Тираж 10000. Р 00307.
Индекс: музо. Договор № 100—55. Государственное издательство художественной литературы УзССР. Ташкент.
Полиграфическая, 74.

* * *
Типография № 3 Узглавиздата Министерства культуры
УзССР. Ташкент, Ленинградская, 15. 1957. Заказ № 352
Цена 35 р.

ЎЗБЕК ХАЛҚ МУЗИКАСИ



Ўзбек музика бойликларини тўплаш, ўрганиш муҳим вазифалардан биридир. Бу музика бойликларидан ижодий фойдаланиш учун уларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш талаб қилинади. Ўзбек музика бойликларини тўплаш, уларни илмий ўрганиш, ижодий фойдаланиш ишлари асосан, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин бошланди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ музика бойликларини ўрганиш соҳасида ҳали жуда кўп ишлар қилиниши керак.

Тарихий ёдгорликлар, ёзма асарлар ўзбек халқ музикасининг қадимийлигидан далолат беради. Археологик қазилмалар ўзбек маданиятининг, шу жумладан ўзбек музикасининг ҳам узоқ ўтмишга эга эканлигини кўрсатади. 1933 йили Айртан¹ шаҳарчасида археологик қазилмалар орасида топилган созанда ҳайкаллари бунинг ёрқин исботи бўла олади.

Ўрта Осиё халқларининг турли чет эл босқинчилари томонидан толон-торож қилиниши унинг маданиятига, шу жумладан музикасининг ривожига салбий таъсир кўрсатди. Лекин бу хил тўсиқлар халқ ижодиятини, шу жумладан музика тараққиётини тўхтага олмади. Ўрта Осиё олимлари қолдирган ва бизгача етиб келган музика ҳақидаги турли асарлар бунинг жонли гувоҳидир. Бу асарлар ўзбек музика маданияти тарихини ўрганишда асосий манба ҳисобланади.

X асрда яшаган машҳур файласуф, энциклопедист олим — Муҳаммад Форобий ўзбек музика назариясини жуда яхши билар эди. Унинг музика назариясига оид асарлари келгусида музика назариясини текширувчилар учун қимматли бир қўлланма бўлди.

Абу Али Ибн Сино (980—1037), Абдураҳмон Жомий (1414—1492) бу назарияни янада ривожлантирдилар.

Қадимий музика рисолаларида ёзилишига кўра, ашула ва мақомларнинг жуда узоқ даврлардан бери мавжуд деган хулосага келамиз. Бу ашула ва мақомлар халқ томонидан унисон (якка овозда) ижро этилиб келинди. Ашулаларга жўр қилиб чалинган ўзбек халқ чолғу асбоблари ҳам унисон ҳолида ишлатилади. Бу чолғу асбобларидан танбур, рубоб ва дуторда икки овоз элементлари учрасада, булар сезилмас даражададир.

Совет музикашуноси, профессор В. М. Беляев, музика бойликларимизни профессионал ва профессионал бўлмаган музикалар деб икки қисмга бўлади. Профессионал музика ашулачи, ҳофиз, созандалар томонидан яратилиб, кўпроқ шулар ижросида айтилиб келинган мақомлар, профессионал бўлмаган музика — халқ томонидан яратилган ва халқ орасида жуда кенг тарқалган турли жанр ва формадаги ашулалардир. Музика бойликлари узоқ даврлардан бери халқ орасида ишланиб, силлиқланиб, бадийлашиб ва мукаммаллашиб келган.

Халқ ашулаларининг яшаши замона талабларига жавоб бера оладиган даражада бўлишига боғлиқ. Ўтган асрларда халқ оммаси ўртасида кенг тарқалган «Липамиш», «Яллама ёрим», «Бегижон укам, ёр-ёр», «Маллахон», «Ҳой, менинг ёримсан», «Бодом

¹ Айртан — Термиз шаҳри яқинида бўлган бир шаҳар.

қовоқ», «Алла алёр, алла» ва бошқа кўпгина шунга ўхшаган ашулалар ҳозирги социалистик ҳаётимиз талабларига жавоб бера олмаганлиги сабабли ўз-ўзидан айтилмай қолиб кетди. Лекин бундай ашулалардан айримларининг мелодиялари янги сўзлар билан алмаштирилиб ҳозирги кунда ҳам айтилиб келинади. Юнус Ражабий томонидан тўпланган «Ўзбек халқ музикаси»нинг биринчи томига киритилган «Овозим» ашуласи илгарилари «Самандарингман» номи билан халқ ўртасида кенг тарқалган эди. Худди шунингдек эскича «Чаманингда гулзор» ашуласи — «Пахтакор қизлар» деган шеър билан, «Олмача анор» — «Ҳайронинг бўлай», «Отманг мени тошлар билан» — «Завқ» деган шеърлар билан алмаштирилди. Бундай шеърлари ўзгартирилган ашулаларни ушбу тўпламда ҳам учратиш мумкин. Масалан: «Намоён қил» номи билан халқ орасида кенг тарқалган ашулага сўзи эскириб қолгани учун, биринчи ўзбек Совет композитори Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий «Ўзбек хотин-қизларига» деган янги шеър ёзиб шу шеър билан айтишни расм қилди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар айтилиб келинган халқ ашулаларини қуйидагича бўлиш мумкин:

1. Манший ашулалар.

2. Эпик ашулалар.

3. Революцион ашулалар.

Булардан турмушга оид ашулаларнинг хиллари кўп. Булар асосан қуйидагича:

А. Лирик ва ишқий характердаги ашулалар.

Б. Турли маросимга оид ашулалар.

В. Меҳнатга оид ашулалар.

Г. Лапарлар.

Д. Болалар ашуласи.

Юқоридаги ашула жанрлари ичида энг кўп тарқалгани — лирик характердаги ашулалардир. Лирик ашулаларнинг музика формаси мураккаблашган, ритми бой. Ўзбек ашулалари учун характерли бўлган синкопа бу ашулаларда кўп учрайди. Бу корода «Мавриги хони» номи билан кенг тарқалган ашулаларнинг ҳаммаси деярлик лирик характердадир. Бу турдаги ашулаларнинг кўпчилиги рақс ритмида келади.

Тошкент ва Фарғонада лирик ашулаларнинг хиллари кўпдир. Булар ичида «ялла»лар жуда кўп тарқалган. Ялла — куплетли формада ёзилган халқ ашуласидир. Одатда яллани уч-тўрт ашулачи («яллачи») ижро қилади. Ялланинг «даромад» деб юритиладиган бошланғич қисмини ҳамма ашулачилар баравар ижро қилади. «Ўрта авж» деб аталадиган юқори қисмини айрим ашулачилар ижро қиладилар. Ниҳоят «катта авж» деб аталадиган энг юқориги қисмини бир ашулачи бошлаб, унинг ўрта қисмида бошқа ашулачилар қўшиладилар. Бундай халқ яллалари хусусан XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида яшаган демократ шоир Муқимий, Фурқат ва бошқа шоирларнинг (Завқий, Оразий, Ҳислат) шеърлари билан айтилди. Тўпланинг биринчи томида Муқимий шеърлари билан босилган — «Эй, нозанин», «Ул париваш», «Улқун жонон», «Нингоҳ айлай», «Ер васли», «Айладинг» ва бошқа кўп ашулалар шулар жумласидандир. Тўпланинг иккинчи томига киритилган — «Андижон самоси», «Чаман ялла», «Чаман ичра», «Бўлмаса», «Аввалда кўрмасам» ва бошқа кўп ашулаларни ҳам шулар қаторига киритиш мумкин.

Тўй ва турли маросимларда, хотин-қизлар ўртасида ашула айтиб, ўйинга тушувчиларни ҳам «яллачи» деб аталарди. Бундай «яллачи»ларга жўр бўлувчи чолғу асбоби кўпроқ доира бўлган. Айрим вақтларда доира билан бирликда дутор ёки ёлғиз дуторнинг ўзи ҳам қўлланилар эди.

Кўп сўзлари лирик ва ишқий характерда бўлган ашула формаларидан яна бири — катта ашуладир.

Катта ашула Фарғона водисидида, қисман Тошкентда айтилиб, унга ҳеч қандай чолғу асбоби жўр қилинмайди. Катта ашулани ижро этувчи ҳофизнинг қўлида кичик бир патнис ёки тарелка бўлади. Патнис товушининг маълум даражада тарангроқ чиқиши ва усулни йўқотмай чертиб туриш учун хизмат қилади¹. Катта ашула ижро


¹ Шунинг учун катта ашула баъзан «патнис ашуласи» деб ҳам аталади.

этувчининг овози баланд ва нафаси узун бўлиши керак. Шунинг учун ҳам бу ашулачи кўпроқ профессионал ашулачилар («Қатта ашула»чилар) ижро қиладилар. Одатда катта ашулани икки киши, баъзан уч-тўрт киши, бир киши ҳам ижро этади.

Қатта ашула тўй ва турли маросимларда халқ йиғилган жойларда (кўпроқ очиқ ҳавода) ижро қилинади. Катта ашула ўтириб эмас, тикка туриб ижро қилинади. Ашуланинг бошланғич қисмини биринчи ашулачи бошлайди, у тўхтаб, иккинчи ашулачи давом этдиради. Ашуланинг авж қисмини эса учинчи ашулачи (агар икки киши бўлса биринчиси) бошлайди. Ашуланинг кульминацион қисмида ёки тушириш қисмида бошқа бир ашулачи унга ҳамроҳ бўлиб, тамомланиш қисмини ҳамма ашулачилар баравар айтиб тамомлайдилар. Кўпроқ речитатив ва декламацион характерда бўлган бу ашула жанрининг сўзлари тингловчига аниқ, дон-дона эшитилади.

Қатта ашулаларда кўпроқ Навоий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Хазиний ва Мискинларнинг лирик—ишқий шеърлари айtilган бўлса, сўнгги йилларда совет шоирларининг айрим шеърлари ҳам айtilмоқда.

Қатта ашулачилар хусусан «Бир келсин», «Кўп эрди», «Адашганман», «Шафоат», «Бир келиб кетсун» каби ашулаларни жуда ҳам севиб айтадилар. Қуйидаги Навоий ғазалига Муқимий муҳаммаси билан ижро қилинадиган «Нома ёзмадинг» ашуласи ҳам ана шу ашулалар жумласидандир. Эски шеърига кўра «Шафоат» номи билан юритилган бу ашула катта ашулачилар тилдан қўймайдиган ва тингловчиларга ниҳоятда маъқул бўлган ашулалардандир. Бу ашула «Фригий» пардасида бошланиб, шу пардада тугайди. Ашуланинг умумий диапазони ундецимага тенгдир. Ашуланинг дастлабки қисмини (А—В оралигидаги қисмини) бир ашулачи ижро этади. Кварта оралигида «Фригий» ладининг биринчи пастки тетракордида кенгайиб боради ва яна

асосий товуш биринчи октавадаги МИ га қайтади.  Бу мелодия

иккинчи ҳофиз томонидан янги мисрада қайтарилади (Б—В оралиги). Ҳофизнинг импровизациясига кўра, айрим тактларда баъзи бир ритмик ўзгаришлар юз беради ва айрим товушларнинг чўзилиши ҳисобига такт ортади. Ашуланинг давомида (В—Г оралиги) октава юқорида — иккинчи октавадаги МИ товушида бошланади. Бу қисмини учинчи ашулачи (агар ижро этувчи икки ҳофиз бўлса биринчиси) ижро этади. Бу ерда мелодия иккинчи октавада «Фригий» ладининг яна пастки тетракордида давом этади. Иккинчи октавадаги МИ дан пастки ДО — РЕ товушларини иккинчи октавадаги МИ нинг пастки ёрдамчи товушлари ўрнида қабул қилиш мумкин.

Ниҳоят охириги қисмини (Д—Е оралиги) ҳамма ҳофизлар бир овозда ижро қиладилар. Бунда ашула иккинчи октавадаги ЛЯ га қадар кўтарилади. Бу ЛЯ товушини СОЛЪ нинг юқоридаги ёрдамчи товуши ўрнида қабул қилиш мумкин. Сўнг ашула юқориги товушлардан секвенция ёрдамида бирин-кетин босқичлар билан пас-лашади.

Турли маросимларда айtilадиган лирик ашулалар халқ орасида кенг тарқалгандир. Улардан энг кўп тарқалгани «Ер-ёр» бўлиб, у кўпинча тўйларда, келин келаётган пайтда «яллачи» хотинлар томонидан ижро қилинади.

«Ер-ёр»нинг бир неча тури бор. Тошкент билан Наманган «Ер-ёр»и мелодик жиҳатдан бир-бировидан фарқ қилади. Лекин уларнинг тексти бир хил. «Ер-ёр» мелодияси янги текст билан ҳозирги кунда ҳам ижро қилинмоқда (бу тўпламга кирган «Ер-ёр» ашулаларининг сўзлари ҳозирги, замонавий сўзлар билан берилган). Бу янги сўзда куёв ва келиннинг ҳозирги озод ҳаёти тараннум қилинади.

Наврўз вақтида — халқ сайилларида айtilадиган «Қизил гул», «Лола» номли махсус ашулалар ҳам борки, бундай ашулаларнинг умумий мазмуни лирик ва баъзан ҳажвий характерда бўлган. Уларнинг ҳажми кичик бўлиб, ритми кўпчилик айтиш учун қулайдир. «Алла» ҳам шу жанрга киради.

Маросимларда айtilадиган ашулалар хилига йнги марсиялари киради. Оила аъзоларидан биронтаси вафот қилганда айtilадиган йнги ноласи ким айтишидан, эркакми, хотин киши айтишидан қатъи назар, сўзлари бошқа-бошқа бўлишига қарамай мелодияси бир хилдир.

Буй_ла_ри у_зи_га я_раш_кан(о)
 бе_ма_хал жу_жа_ла_ри_дин(о) а_даш_кан,
 бе_да_во дард_лар_га уч_ра_ган (о)
 ши_рин сўз_ги_нам вой_жи_га_рим(о)

Меҳнат шодлигини куйлайдиган ашулалар жуда оз бўлган. Бундай ашулалар мелодик ва ритмик жиҳатдан содда бўлиши билан бирга уларнинг диапозони ҳам кичикдир. Бухоро атрофида айтиладиган «Хашар» билан Тошкент — Фарғоналарда айтиладиган «Чарх» шулар жумласидандир. «Хашар» ўз номи билан хашарларда айтиладиган ашула. «Чарх» эса хотин-қизларнинг чарх йиғириб айтадиган ашулаларидир. Бундан ташқари бўзчи, косиб ва деҳқонларнинг меҳнат жараёнида айтадиган ашулалари ҳам бўлиб, бундай ашулаларнинг ритми ва мелодияси жуда оддий бўлган. Кичик диапозонда ва оддий ритм билан айтиладиган халқ ашула жанрларидан яна бири — лапардир.

Лапар — одатда икки киши томонидан навбат билан, гоҳ баробар ижро қилинади. Лапар кўпроқ ҳажвий, танқидий, турмушдаги айрим воқияларни характерловчи мазмунда бўлади ва рақс билан ижро қилинади.

Бу жанр ҳозир ҳам кенг тарқалган. Лапарда асосан колхоз турмуши куйланади, ишەкмас даңгасалар танқид қилинади.

Кундалик турмушга хос бўлган ашулалардан яна бири—болалар ашуласидир. Болаларнинг бир овозда бир-бирларига жўр бўлиб айтадиган ашулалари мелодик жиҳатдан жуда ҳам содда, ритми оддийдир. Болалар ашуласи кўпроқ йилнинг турли фаслларига, ўсимлик ва қушларга бағишланган бўлади. Қиш кунлари ҳаво очилиб, офтоб чиқиши билан болалар севинганларидан «Офтоб чиқди оламга» деган ашулани айтадилар. Эрта баҳор келиб, бойчечак кўкариши билан «Бойчечак» ашуласини айтадилар. Ез бошланиши ва лайлак келиши билан томларга чиқиб «Лайлак келди» ашуласини айтадилар. Булардан ташқари, ўйин билан айтадиган «Читти гул», «Оқ теракми-кўк терак» каби жуда кўп ашулалар бордирки, бу ашулаларнинг диапозони прима, секунда, терция ва кварта оралигидадир. «Бойчечак» ашуласи асосан терция оралигида бўлиб, айрим товушлар билан номанълум миқдорда паст ё юқорида бақириб ёки секин айтилади.

Бой_че_ча_гим бой_ла_в_ди. қозон_ту_ла ай_рон_дир
 ай_ро_нинг_дан_бер_ма_санг қозон_лар_нинг_вой_рон_дир.

Булардан ташқари, халқ орасида «Кўғирчоқ» ва «Дорбоз» ўйинлари вақтида чалинадиган куй ва ашулалар ҳам машҳурдир. Бундай вақтларда чалинадиган ёки жўр бўладиган чолғу ансамбли одатдагидек торли ва қилли чолғу асбобларидан тузилмай, аксинча, духовой асбоблардан тузилади. Дорбозлик ўйинида ансамбл сур-

най, дўл¹, рез ноғаралардан иборат бўлади. Баъзан булар ёнига карнай ҳам қўшилади. Дорбозчининг арқонда юриб юқорига кўтарилишига чалинадиган махсус куйлар бор. Бундай куйлардан бири «Дорбози» куйи бўлиб, бу куй дорбоз ердан дорнинг киндагига кўтарилгунича чалиниб туради.



Бу куй 1931 йилда Марғилон шаҳрида В. А. Успенский томонидан ёзилиб олинган.

Эпикашулар. Ўзбек халқ ашулалари қаторида эпик характеридаги халқ дostonлари ҳам узоқ даврларни ўз ичига олади. Уларда хон ва бекларнинг халққа қилган зулми, уларга қарши айрим қаҳрамонларнинг курашлари, уларнинг ватанга бўлган астойдил муҳаббатлари куйланади. «Гўр ўғли», «Алпомиш», «Шайбонихон», «Ширин ва Шакар», «Равшанхон», «Рустамхон», «Баҳром ва Дилорам», «Орзигул», «Шоҳсанам ва Ғариб», «Қунтуғмиш» ана шундайлардандир. Булар орасида лирик дostonлар асосий ўринни ишғол қилади. Бу дostonларда ватанга муҳаббат, ишқ ва муҳаббатда садоқат, одиллик ва адолат учун курашлар акс этдирилади.

Бу халқ дostonларини ижро этувчи бахшилар дostonнинг айрим воқиаларини, янада бадийлаштириб бериш мақсадида турли характеридаги ашулалар билан айтадилар.

Дoston ашулалари халқ ашулаларидан ўзларининг интонацион тузилишлари, речитатив характерга эга бўлишлари билан ажраладилар. Дostonда ҳар бир бўғин учун алоҳида бир товуш тўғри келади. Фақат авж қисмида айрим бўғиннинг бир неча товушга чўзилганини кўрамиз. Дostonда айтиладиган ашулаларнинг умумий диапазонни халқ ашулаларидек катта эмас. Булар кўпроқ секста, октава оралигида бўлиб, айрим вақтларда нона ва децима интервалларига етиб боради. Бу ашулаларнинг диапазонни кичик бўлишига қарамай мелодик жиҳатдан чиройлидир.

«Шоҳсанам ва Ғариб» дostonи Хоразмда кенг тарқалган дostonлардандир. Бу дostonда шоҳ ўз қизи Шоҳсанамни вазирнинг ўғли Ғарибга бериш учун ваъда қилганлигига қарамай, буни бажармайди. Ғарибни, шаҳардан чиқиб кетишга буюради. Ғариб узоқ вақт бошқа шаҳарларда юриб, ниҳоят бир кун махфий ҳолда қайтиб

¹ Дўл — доира шаклида бўлиб, икки томонига от терисидан қопланган музика асбобидир. Гардишнинг ичакдан қилинган қулоғидан ушлаб кичик таёқча билан чалинади.

келади. Шоҳнинг гулчиси уни ўз тарбиясига олади. Кунлардан бирида Ғариб бир даста гулни Шоҳсанамга киргизади. Шоҳсанам гулнинг нозик ва гўзал боғланишига томоша қилар экан, бу гулнинг дилдоридан эканлигини сезади. Шунда Шоҳсанам:

Ақча, сенга сирим баён айлайин,
 Ернинг гули галди, ўзи галмади;
 Бошимдин ўтганин баён айлайин,
 Ернинг гули галди, ўзи галмади...

деган ашуласини айтади:



Ашуланинг тўртинчи тактида «айлайин» сўзининг такрорланиши, куйнинг тугалланмаган товушда тўхташи кишига гўё савол аломатидек сезилса, сўнгги тўрт такт бунга жавоб бўлади.

Достон мелодиялари у қадар кўп эмас. Хоразм достонларида ўнга яқин мелодия бўлиб, булар ҳамма достонларда ҳам деярли бир хилда қайтарилади.

* * *

Золимларга қарши айтилган ашулалар халқнинг норозиюлигини, чексиз ғазабини ғоят қаттиқ нафрат билан ифодалайди. Айниқса хон ва бекларга қарши бахшилар тўқиган кичик-кичик қўшиқлар халқ орасида кенг ёйилган. «Хон зулми», «Хондан дод» ашулалари шулар жумласидандир. Уларда асосан халқнинг хон ва бекларнинг зулмига қарши нафрати баён қилинади. Золимлар зулмини, уларнинг чиркин ҳаётларини халқ ашуланинг турли жанрларида фош этади. Мана уларнинг золимлар устидан кулиб айтган ашулаларидан бир парча:

Ошқовоқни қайнатиб
 Егини олган хўжайин,
 Меҳнаткашни ишлатиб,
 Хонини олган хўжайин.

«Николай қон жаллоб», «Поезингни юргизган», «Минг лаънат» каби ашулалар ҳам шулар жумласидандир.

Хоразмнинг сўнгги хонларидан Афандиёрхон зулмига қарши халқ томонидан айтилган:

«Афандиёр хон бўлди,
 Бағримиз қора қон бўлди,
 Еганимиз чигит нон бўлди,
 Улар бўлди бу хонларнинг дастидан»,—

деб бошланувчи ашула ҳам хон, бекларга, эксплуататорларга қарши ғоят зўр нафрат билан айтилган революцион ашулаларнинг намуналаридандир.

Чолғу асбоблари ашулага ашулачи билан бир овозда ёки октава куйида жўр бўлади. Бу ҳолда инструменталь музыка вокаль мелодик чизигига итоат қилиб боради. Ашула ўрталарида ижро қилинадиган инструменталь музыка баъзан вокаль мелодик қисмидан маълум бир парчасининг қайтарилишидан иборат бўлса, кўпроқ бу ашулани янада бўртдириб, баднийлаштириб беришда алоҳида аҳамиятга эга бўлган янги бир парча чалинади. Баъзан ашуланинг бошланғич қисмида ижро этиладиган чолғу қисми вокаль қисмига кўра бошқа бир ладда келади. Бошланғич чолғу қисми «дорий» ладида келиб, асосий ашула «миксолидий» ладида келадиган мелодияларни Хоразм ашулаларида учратиш мумкин.

Баъзан ашула ўрталарида созандаларнинг ўзлари томонидан ижро қилинадиган чолғу қисми мелодия жиҳатидангина бошқача бўлиб қолмай, ритмик ўзгаришларга ҳам эга бўлади. Масалан: шу тўпламга кирган «Жонон бўламан деб» номли ашула $\frac{3}{4}$ ўлчовида ёзилган бўлиб, бош ва ўрта пардаларида учрайдиган чолғу қисми эса $\frac{7}{8}$ ўлчовидадир.

Айрим вақтларда жўр бўлаётган чолғу асбобларининг мелодик чизиги, вокаль мелодик чизигининг маълум қисмларидан фарқ қилиб қолади. Бунинг натижасида икки овозли музыка парчаларни вужудга келади. Бундан икки ва кўп овозли музыка илдиэларини излаш ноўриндир. Чунки бу парча созанданинг импровизациясидан келиб чиққан, холос! Агар ана шу икки овоз ҳосил қилган мелодик парчани бошқа бир созанда ижро қилса, бунинг бутунлай бўлмаслиги муқаррар.

Ўзбек инструменталь халқ музикаси анча бой ва мураккаб, ҳар бир чолғу асбобининг ўзига хос ва шу чолғу асбобининг имкониятига кўра тараққий қилган музикалар ритмик ва мелодик жиҳатдан бир-бировларидан фарқ қиладилар.

Йирик формадаги инструменталь музыка кенг тарқалгандир. Тўпламнинг биринчи томига кирган — «Ажам», «Наво», «Мискин», «Сарбозча», «Мирза давлат», «Муножот», «Ражабий»; иккинчи томидаги «Рок». «Чўли ироқ», «Илғор», «Бек султон» ва бошқалар йирик формадаги инструменталь музиканинг намуналаридир. Улардан ташқари вокаль музикалардан — «Дугоҳ ҳусайн», «Чоргоҳ», «Насрулло», «Эшвой», «Курд», «Гиря», «Илғор» ва бошқа йирик формадаги ашулаларнинг инструменталь вариантлари ҳам ансамблда ижро қилинади.

* * *

Ўзбек халқ музикасининг асосий характерлари билан танишганда баъзи бир умумий масалаларга ҳам тўхташга тўғри келади. Ўзбекистоннинг географик тузилиш жиҳатдан водийларга бўлиниши музикада ҳам акс этган. Масалан, Тошкент ва Фарғона водисида айтилиб юрилган ашула ва куйлар Хоразм областидаги куй ва ашулаларнинг характерига, ритм тузилишига сира ўхшамайди. Бухоро ва Самарқанд куйлари эса, уларнинг икковидан ҳам ажралиб туради. Бундан ташқари Ўзбекистоннинг бир водисида айтиладиган музыка жанрини иккинчи водисида бутунлай учратмаслик ҳам мумкин. Тошкентда, айниқса Фарғона водисида кенг тарқалган «Катта ашула» жанри Ўзбекистоннинг бошқа водиларида айтилмайди.

Ўзбек халқ ашулалари мелодик жиҳатдан ҳам жуда бойдир. Хоразм ва Тошкент — Фарғона ашулаларининг кўп қисми ўрта диапазонда бўлиб, Бухоро халқ ашулаларининг кўпи кенг диапазонда бўлади. Бундан, Хоразм ва Тошкент — Фарғонада кенг диапазонли ашулалар йўқ, деган хулоса чиқмайди, албатта.

Ўзбек халқ ашулаларининг мелодияси аста-секин юқорилашиб ё пастлашиб бериш хусусиятига эга. Ўзбек музикаси учун турли скачкалар у қадар характерли эмас. Кўпроқ учрайдиган скачкалар юқори томон ҳаракат қилувчи — кварта, квинта ва октава интервалларидир. Шунга кўра бу юқори томон бўлган скачкалар секин-секин босқичлар бўйича қуйи томон пардаларни тўлдириб боради.

Ҳар бир ашуланинг ўзига хос катта ё кичик миқёсдаги авжи борки, бу кўпроқ ашуланинг кульминацион қисмига тўғри келади. Ашуланинг юқори авжларида айрим сўз бўғинларида узоқ тўхташдек ҳодисалар кўп учрайди. Айниқса бундай ҳолларни Бухоро халқ ашулаларида кўп учратиш мумкин. Шунинг учун ҳам Бухоро халқ ашулаларидаги юқори авжлар алоҳида номга эга. Булар — «Турк», «Зебопар» номлари билан юритилади. Бунда бир ашуланинг авжи иккинчи ашулада ҳам қайтарилди.

Ашулалардаги бу авжлар ўз навбатида босқичлар бўйича қуйи товушларга¹ (кўпроқ ашуланинг бош пардасига) қараб кульминациял нуқтасидан секвенция йўли билан қуйи томон пасайиб бориш ҳолатларини чолғу музикаларида кўпроқ учратиш мумкин.

«Рок уфори» мелодиясининг авжида келадиган бу оҳанг музиканинг авж қисмидан ўрта пардасига қадар ва куйнинг тугалланиш қисмида эса асосий бошланғич даромад пардаларига қадар тушириш учун бир неча бор секвенция ҳолида қайтарилади. Халқ ашулаларининг ритми кўпроқ ашуланинг сўзига боғлиқ бўлади. Одий ритмда содда оҳангли ашулалардан бири болаларнинг ўйнаб туриб айтадиган «Офтоб чиқди» ашуласи бўлиб, унинг ҳар бир товуши учун бир бўғин сўз тўғри келади.



Бундай ҳолларни тузилиши жиҳатидан мураккаб бўлмаган ашула, лапар ва достон йўлларида ҳам учратиш мумкин.

Халқ ашулалари шеър формаси билан мустақкам боғлангандир. Ўзбек классик поэзиясида мураббаъ шакли жуда ашулабоп формадир. Ундаги биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралар бир-бирига қофиядош бўлиб, учинчи мисра беқофия келади (а а б а) Шу қофиядош бўлмай келган учинчи мисра (б) га одатда ашуланинг авж қисми тўғри келадиги, бу — кўпроқ ашуланинг кульминацияси билан боғлангандир.



Ўзбек классик поэзиясида жуда кўп учрайдиган шеърий шакллардан яна бири — ғазалдир. Дастлабки икки мисра ўзаро бир-бирига қофиядош бўлиб, сўнггидан келадиган ҳар бир байтнинг иккинчи мисраи дастлабки байт билан қофиядош бўлиб келади. Бу хилдаги шеърлар йирик формадаги халқ ашулалари ва мақомларда жуда кўп учрайди.

Ўзбек адабиётида қўлланиладиган шеърий шакллардан яна бири муҳаммас (бешлик)дир. Бунда биринчи банднинг ҳамма беш мисраи ўзаро бир-бирига қофиядош бўлиб, кейинги бандларнинг тўрт йўли ўзаро қофиядош ва бешинчи мисраи биринчи банд қофияларига қофиядош бўлади. Муҳаммасда айтиладиган ашулалар, ғазал ва мураббалардагидек кўп бўлмасада, йирик ва кичик формадаги ўзбек халқ ашулаларида учраб туради. Масалан: тўпламнинг биринчи томидаги «Фарғонача жонон» (Муқимий шеъри), «Гулзори» (Навой шеъри), «Баёт III» (Муқимий шеъри), «Оромжон» (Завқий шеъри), «Нигорим» ва «Гиря» (Навой ғазалига Муқимий муҳаммаси) муҳаммасда айтилади. Иккинчи томдаги «Фигон» (Фурқат шеъри), «Найларам» (Ҳислат шеъри), «Асрий» (Завқий шеъри), «Сувора» ва «Чаман ялла» (Навой ғазалига Муқимий муҳаммаси) ҳам шулар жумласидандир.

Адабиётда кам қўлланиладиган шеърий шакллардан бири—мусаддас (олтилик)дир. Бу шеър формаси муҳаммас формасидек биринчи банднинг ҳамма олти мисраи бир-бирига қофиядош бўлиб келади. Кейинчалик ҳамма банднинг беш мисраи бир-бирига қофиядош бўлиб, олтинчи мисраси биринчи банд қофияларига қофиядош келади. Мусаддас формаси адабиётда кам қўлланилганидек, ашулада ҳам жуда кам учрайди.

Халқ ашулалари одий ўлчовдан мураккаб метр ўлчовига қадар юксалиб боради.

¹ Ўзбек созанда ва ҳофизлари пастки ва юқориги товушларни тескари атайдилар, яъни юқориги «авж» товушларини «паст» ва пастки, даромаддаги товушларни «юқори» деб юритадилар. Бу ўзбек чолғу асбобларидан — дутор, танбур, ғижжак пардаларида қўлнинг юқори ё қуйи юришига қарата қўйилган номдир.

Рақс музыкалари ва рақс характеридаги вокаль музыкалари кўпроқ олти ҳиссали ўлчовларда келади  ва уч ҳиссали ўлчовларда —  йирик ва кичик формадаги ашулалар, мақомлар, оддий ўлчовлар билан бир қаторда, мураккаб, ҳатто аралаш мураккаб ўлчовларини ҳам ўз ичига олади. Масалан:

$\frac{5}{4}$ ўлчовида — «Мўғилчаи дугоҳ», «Мўғилчаи сеғоҳ»ларни;

Тактлараро алмашилиб турувчи икки ўлчовли ашулалардан:

$\frac{3}{4}$ — $\frac{4}{4}$ ўлчовида — «Мискин»;

$\frac{3}{8}$ — $\frac{2}{4}$ ўлчовида — «Нигор ва Замон» дostonида айтиладиган ашулаларни;

$\frac{3}{8}$ — $\frac{3}{4}$ ўлчовида — «Талқини баёт», «Адои», «Асири», «Чапандози баёт», «Қошки», «Бўлмаса», «Бири», ёки аксинча —

$\frac{3}{4}$ — $\frac{3}{8}$ ўлчовида — «Илғор» ва бошқа ашулаларни учратиш мумкин.

Ритмик ўлчовлар инструменталь музыкаларда, айниқса урилиб чалинадиган чолғу асбобларида жуда мураккаблашгандир.

Ўзбек халқ ашулаларидаги характерли ритмлардан яна бири тез-тез учраб турадиган — синкопадир. Халқ ашулаларида синкопанинг кўп тури учрайди.




Баъзан бир ашулада синкопанинг икки, ҳатто уч тури келишидек ҳоллар ҳам учрайди.

Ўзбек халқ музыкасидаги парда тузилишлари билан танишишдан илгари, унинг диатоник асосда эканлигини ҳамда товуш қатори бутун ва ярим тонлардан иборат эканлигини таъкидлаб ўтиш керак. Баъзан Хоразм халқ ашулаларида учрайдиган ортдирилган секунда Ўзбекистоннинг бошқа областлари учун характерли эмас. Шунингдек бу хусусида Хоразм ашулалари учун ҳам характерли эмас.

Баъзан халқ ашулаларида хроматик парда тузилишлари учраб қолади. Масалан: «Чилвир соч» ашуласини олайлик:



Ашуланинг биринчи беш такти биринчи октавадаги ФА—СИ оралигида бўлиб, бу — юқориги тетракордни ташкил қилади. Иккинчи беш такти эса (6-дан 10-тактгача) пастки тетракордни ташкил қилади.



Юқориги иккинчи тетракордда бир босқичда учраётган хроматик товушлар биринкетин келмай, улар бўлигани ҳолда турли тактларда келмоқда. Бу хроматик товуш, ўзбек халқ ашулалари учун асло характерли эмас. Бу хроматик товушлар айрим нейтраль интервалларнинг биринкетин келиши орқали ҳосил бўлиши мумкин. Асосан хроматик ўзгаришлар ҳамма вақт ўрнашмаган босқичларда учрайди.

Мақомларни характерлашдан илгари, унинг йирик формадаги инструменталь—вокаль асари эканлигини кўрсатиш керак. «Шашмақом» (олти мақом) номи билан Бухоро ва Хоразмда айтилиб келинган бу йирик музика асарига:

- 1 — Бузрук,
- 2 — Рост,
- 3 — Наво,
- 4 — Дугоҳ,
- 5 — Сегоҳ ва
- 6 — Ироқ мақомлари киради.

Бу мақомларнинг ҳар бири уч қисмдан: Мушкулот (Хоразмда «Мансур» деб аталади), Наср (Хоразмда — «манзум») ва Уфордан иборат.

Мушкулот — мақомнинг инструменталь — чолғу қисми бўлиб, бунга тасниф, таржи, гардун, муҳаммас, сақиллар киради.

Наср — мақомнинг ашула қисми бўлиб, сараҳбор, талқин, насрларни ўз ичига олади.

Уфор — мақомнинг рақс қисми бўлиб, ансамбль жўрлигида умумий хор билан ижро қилинади. Мақом шу қисм билан тамомланади.

Мақомнинг бу уч қисмидаги номлар олти мақомнинг ҳаммасида ҳам учрайди. Шунинг учун ҳам уларнинг доира усуллари бир хилдадир¹. Масалан: «Муҳаммас» усули доирада қуйидагича чертилади:



Бу ритм мақомлардаги ҳамма муҳаммаслар учун ишлатилади. Шунинг учун буларни «Муҳаммас усули», «Гардун усули», «Сараҳбор усули» деган номлар билан юритилади. Баъзан бу мақомлардаги шохобчалар ёнига янги қўшимча номлар ҳам киради. Масалан: «Бузрук» мақомининг мушкулот қисмига «Муҳаммаси Насрулло», «Сақил Ислими», «Сақил Султони», Наср қисмига «Талқини уззол», «Насруллоҳи», «Насри уззол»лар кирадики, булар асосан муҳаммас, сақил, наср, талқин усулларидаги доира зарблари билан чалинади.

Ҳар бир мақомнинг мушкулот қисми «Тасниф» билан бошланиб, «Сақил» билан тамомланади. Наср қисми эса, «Сараҳбор» билан бошланиб, «Сипориш» билан тугайди. (Сипориш — топшириш маъносида бўлиб, мақом қайси пардадан бошланган бўлса, ўша парда билан тугайди. Сипориш — ҳар бир мақомдаги сараҳборнинг бир парчасидир. Шунинг учун ҳам сипориш сараҳбор усулида чалинади). Мақомнинг наср қисмида кўп тароналар айтилади. Масалан: Наво мақомининг наср қисмидаги Сараҳбор, Талқини баёт, Насри ораз, Насри Хусайини сингари асосий куйларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида бир ҳофиз томонидан айтилиб, улар орасида учрайдиган тароналар эса кўпчилик ҳофизлар томонидан хор қилиб ижро этилади. Демак, Тарона мақомда бир куйдан иккинчисига ўтиш учун «боғловчи қисм» ҳисобланади. Ниҳоят мақомнинг охириги қисми «Уфор» бошланади. Уфор чолғу ансамблининг жўрлигида ашула ва рақс билан ижро қилинади. Баъзан мақомнинг мушкулот ва наср қисмидаги айрим бўлаклари уфор ритмида ижро қилинади.

Асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб келган Шашмақомнинг наср қисмида ай-тиладиган шеърлар асосан ишқий-лирик шеърлардир. Бу шеърлар XIV—XVII аср-

¹ Одатда шашмақом йўллари доирасиз ижро қилинмайди. Мақом ва унинг шохобчалари доира зарблари билан бир текис ижро қилинади. Мақом ижро этувчи ҳофизлар доирани усталик билан чертиб, ўзларининг ашулаларига доирани жўр қилиб борадилар.

ларда яшаган, ижсд этган Саъдий, Ҳофиз, Лутфий, Навоий, Фузулий, Жомий, Бобир, Бедил, Ҳилолий сингари ўзбек, тожик ва форс шоирлари томонидан ёзилган. Мақомлардаги бу лирик шеърларнинг айримлари вақти билан бошқа янги лирик шеърлар билан алмаштирилган.

Ҳар бир мақом уч-тўрт соатлаб ижро этилади.

Шашмақом Бухоро ва Хоразмда кенг тарқалган бўлиб, Тошкент ва Фарғона водисида кам ижро этилар эди. Тошкент билан Фарғонада кўпроқ Чормақом номи билан юритилган куйлар ижро этиларди. Бунга Дугоҳ Ҳусайн, Чоргоҳ, Баёт ва Гулёри Шаҳнозлар киради. Чормақом деб юритилган бу куйлар Шашмақомга нисбатан қисқа бўлиб, унда Шашмақомнинг биринчи мушкулоти, яъни инструменталь қисми йўқдир. Шашмақомнинг иккинчи наصري, яъни вокаль қисми кўп йирик ашула ва тароналардан иборат бўлгани ҳолда, Чормақом фақат тўрт ёки беш бўлақдан иборат холос. Булардан «Гулёри Шаҳноз» беш қисмдан иборат бўлиб, қуйидаги номлар билан юритилади.

- 1 — Гулёр,
- 2 — Шаҳноз,
- 3 — Чапандоз,
- 4 — Ушшоқ
- 5 — Уфор.

«Дугоҳ Ҳусайн», «Чоргоҳ» ва «Баёт»ларнинг иккинчи қисми «Савти» деб юритилиб, қолганларининг номлари йўқдир. Улар мақомнинг асосий қисмига (бир, икки, уч... рақамлари) қўшилиб юритилади. (Масалан: «Чоргоҳ — I, Чоргоҳ — II, Чоргоҳ — III» ва ҳоказо).

Чормақомни Тошкент ва Фарғонада фақат профессионал ашулачиларгина эмас, ҳаваскор ашулачилар ҳам ижро этадилар.

* * *

Ўзбек халқ музыкаси ҳақидаги обзормизнинг охирида, бу бойликларни авайлаб сақлаб келган созанда ва ҳофизларнинг қисқача таржimaiи ҳоли ва ижоди билан таништирамиз. Ана шундай моҳир халқ ҳофизларидан бири Домла Ҳалим Ибодов эди. У айниқса Шашмақом тароналарини, Бухоро халқ ашулаларини зўр моҳирлик билан ижро этарди.

Домла Ҳалим Ибодов — 1878 йилда Бухоро шаҳрида олача тўқувчи қосиб оиласида туғилди. 12 — 13 ёшларидаёқ музыка ва ашулага қизиқа бошлади. Турли маросимларда айтилган ашулаларни қунт билан тинглар, улардан айримларини ўзича куйлаб юрарди. 19 яшар Домла Ҳалим овозининг ўткир ва ёқимлилиги, айниқса куйлаш усули билан ҳаммаининг ҳурматига сазовор бўлди ва «Домла Ҳалим савти» деган ном билан бутун Бухорога танилди. Чунки у, Шашмақомдаги талқин йўллари ниҳоятда нафис ижро қилиб, тингловчиларни ўзига мафтун этарди. Бухоро халқ куйларига хос ашула айтиш санъатини яхши ўрганган Домла Ҳалим ашуладаги шеър мазмунини ҳам тингловчиларга очиқ ва равшан етказиб беришга ҳаракат қилар эди.

Домла Ҳалимнинг ашула айтишдаги маҳорати республиканинг ҳамма шаҳар ва областларига ҳам ёйила бошлади.

1920 йилда Бухорода музыка мактаби ташкил қилинади. Бу мактабга Бухородаги энг моҳир созанда ва ашулачилардан — Шашмақомнинг «Наср» (вокаль) қисмини ва унинг усулларини тўла ижро этувчи ҳофиз — Ота Жалол Насир ўғли, «Мушкулот» (инструменталь) қисминни танбур билан моҳирона ижро этувчи — Ота Ғиёс Наби ўғли ва бошқалар жалб қилинади. Улардан ташқари бу мактабга Домла Ҳалим Ибодов ҳам таклиф қилинган эди. У ёшларни ўзининг ашула айтишдаги санъати билан таништиради. 1928 йилда эса Домла Ҳалим Самарқандда ташкил қилинган музыка ва хореография илмий-текшириш институтида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Кейинчалик бухороли машҳур танбурчи Абдураҳмон Умаров билан Ўзбекистон радио информация комитетида ишлайди. 1937 йил Москвада ўтказилган Ўзбек адабиёти ва санъати декадасида қатнашиб, овоз диапазонининг кенглиги билан Москва тамошабинларини, айниқса Москвадаги отоқли ашулачиларни ҳайратда қолдиради.

Моҳир санъаткор Домла Ҳалим Ибодов умрининг охириг кунларига қадар ҳам (1940 йил 10 майда вафот этди) катта авжли ашулаларни ҳеч қийналмай бемалол ижро этди.

Домла Ҳалим Ибодов жуда кўп шогирдлар тайёрлади. Булар орасида Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби, талантли ашулачи Шоназар Соҳибов, Тожикистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби Фазлиддин Шохобовлар ўзларининг ижрочилик талантлари билан алоҳида ажралиб турадилар.

* * *

Тошкентлик ҳофиз Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов ҳам ўзининг ашула айтишдаги моҳирлиги билан халқнинг муҳаббатига сазовор бўлган эди.

Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов 1866 йилда қашшоқ бўзчи оиласида туғилди. У ёшлигидан она тебратишда отасига яқиндан ёрдам берарди. Тўйчи 15 ёшидаёқ музикага ғоят қизиқди, турли тўй ва маросимларда ижро этиладиган куй ҳамда ашулаларни завқ билан тинглади, уларни аста-секин ўрганиб, ҳофизларга қўшилиб айта бошлади ҳам. 30 ёшга кирганида ўша даврнинг машҳур ҳофизлари — Муҳаммад Умар, Абдуқаҳҳор ва Назархонлардан ашула айтиш йўлларини ўрганади. Айниқса Муҳаммад Умар ва Абдуқаҳҳорларга жўр бўлиб айтган ашулалари билан халқ орасида танилиб қолади.

Кўп ўтмай Тўйчи машҳур ҳофизларнинг ҳам диққатини ўзига жалб қила бошлади, у ашула санъатида ўзига хос йўл топди ва Мулла Тўйчи ҳофиз номи билан бутун Ўзбекистонга танилди.

1904—1907 йиллари ўзбек халқининг куй, ашула ва мақомлари машҳур санъаткорлар ижросида биринчи марта грамафон пластинкасига ёзилади.

Тўйчи ҳофиз ижросида грамафон пластинкасига ёзиб олинган «Дугоҳ Ҳусайн», «Чоргоҳ» ва «Баёт»нинг ҳамма қисмлари, «Ушшоқ», «Гиря», «Дилхирож», «Шаҳноз», «Сувора», «Кўча боғи», «Эшвой», «Курт» ва кўпгина бошқа ашулалар тингловчиларда чуқур таъсир қолдириши билан ҳофизнинг ашулачилик талантига гувоҳлик беради.

Тўйчи ҳофиз санъати фақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиё республикаларигагина эмас, ҳатто чет мамлакатларга ҳам маълум бўла бошлади.

Тўйчи ҳофиз 1924 йили Ўзбекистон санъаткорлари билан Москвада очилган Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик виставкасига иштирок этади. 1926 йилда, туғилганига 60 йил, ашулачилик фаолиятига 35 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон маданият жамоатчилиги катта юбилейини ўтказди.

1937 йилда эса, 71 ёшга кирган Тўйчи ҳофиз Москвада ўтказилган Ўзбекистон санъат ва адабиёти декадасида қатнашиб, ўзининг ашула санъатидаги ғоят зўр маҳоратини яна бир марта намойиш қилди. Халқ ҳофизининг ўзбек совет санъати соҳасидаги жуда катта хизматлари учун Ўзбекистон ҳукумати унга Ўзбекистон ССР халқ артисти унвони берди. У, 1929 йилдан то умрининг охиригача радио комитетида ашулачи бўлиб ишлади.

Моҳир санъаткор Тошкентда 1945 йили 79 ёшида вафот этди.

Тўйчи ҳофиз машҳур санъаткоргина бўлиб қолмай, бир қанча шогирд етиштирган устоз ҳамдир. Шораҳим Шоумаров, Нурмуҳаммад Тошмуҳаммедов, Абдуқодир Назаров ва Ўзбекистон ССР халқ ҳофизлари Акбар Ҳайдаров, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Турғун Каримовлар Тўйчи ҳофиз тарбиясида етишиб чиққан ҳассос ҳофизлардир.

* * *

Йирик ва кичик формадаги ўзбек халқ ашулалари ва Шашмақомнинг айрим бўлакларини ижро қилишда самарқандлик Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов алоҳида ўрин тутди.

Ҳожи Абдулазиз 1854 йилда Самарқанднинг Кўкмасжид маҳалласида қосиб оиласида туғилди. Отаси Қоратигин тожиқларидан эди. 13 ёшида ота-онасидан ажралиб етим қолган Ҳожи Абдулазиз тоғаси қўлида тарбияланади. У мактабдан ташқари вақтларида кўпинча дутор чалишни ўрганади. У, 16 ёшидаёқ яхши дуторчи бўлиб танилди. Ҳожи Абдулазиз бу билан қаноатланмай, танбурга ҳавас қўйди,

ўша вақтда танбур чертишда тенги йўқ самарқандлик Ҳожи Раҳимқулдан танбур чалишни ўрганади. Устози Ҳожи Раҳимқул орқали Шашмақом куйлари билан танишади ва буларни дуторда ҳам, танбурда ҳам мукаммал чертишга ўрганади.

Шашмақом куйларини дуторда усталик билан чалишга ўрганган Ҳожи Абдулазиз кейин уларнинг ашуласини ҳам ўрганади. У, халқ ашулаларини ижро қилганида унинг янгилик ва нафис товуши эшитувчиларни тамомила мафтун этиб қўярди. Санъаткор дуторчи Ҳожи Абдулазиз мақом йўлларини ижро қилганида дуторни қўймади, у билан бемалол куйлайверди.

Ҳожи Абдулазиз чет давлатларда: Бомбай, Ҳижоз, Миср ва Юнонистоннинг бир мунча шаҳарларида бўлди. У, борган шаҳарларида ўз санъатини кўрсатди. Қартайиб қолган вақтларида ҳам янги-янги ашулалар ўрганишдан ва буларни чиройли қилиб ижро қилишдан тинмади. 60—70 ёшларида Самарқанддаги ўқув юртлари қошида очилган музика тўгаракларига раҳбарлик қилди, ёшларга дутор чертиш ва ашула айтиш санъатини ўргатди. Қўлингиздаги шу тўпلامнинг автори Юнус Ражабий ҳам Самарқанд йўлларини Ҳожи Абдулазиздан ўрганди.

Ўзбек халқ музика бойликларини сақлаш ва буларни моҳирона ижро қилишдаги хизматлари учун Ҳожи Абдулазизга 1926 йилда халқ ҳофизининг унвони берилди.

Ўз умрининг 66 йилини ўзбек музика санъатида ўтказган Ҳожи Абдулазиз Абдурашулов 1936 йили 9 январда 82 ёшида вафот этди.

• • •

XIX асрнинг иккинчи ярмида ва ундан кейин ҳам ўзбек халқ санъатининг ажойиб намояндалари етишди. Тошкентда Тўйчи ҳофиз, Шораҳим Шоумаров, Шожалил ҳофиз, Набихўжа, Илҳом ҳофиз, Шобарат танбурчи, Абдусоат дуторчи, Солихон дуторчи, Мирқосим танбурчи, Қаримбек дуторчи; Андижонда — Усмонхўжа, Муҳаммаджон ҳожи, Беркинбой, Муҳиддин ҳожи, Мўминжон, Тўрасайфихон, Еқубжон, Рустам митар, Ашўр Али; Қўқонда — Зебо пари, Рустамхон, Содирхон, Муҳаммадумар (Мадумар), Едгорхўжа, Абдуқаҳҳор, Ашурали маҳрам, Акбаралибек, Абдуқодир найчи, Аҳмаджон қўшна; Наманганда — Абдулла тароқ, Рўзиматхон, Эшонхон тўра; Марғилонда — Муҳаммад Умархон ҳожи, Ҳожи Маъруф, Муҳаммад Шариф уста Масаид, Уста Олим чанги (ва машҳур доирачи), Юсуф қизиқ (ашулчи, ўйинчи), Ортиқ ҳофиз, Отаҳўжа, Оппоқхўжа; Чимкентда — Қурбон гижжакчи, Султонхон танбурчи, Имом найчи, Ҳошим дутор; Бешарикда — Ҳамроқул қори ва бошқалар майдонга келдики, буларнинг ҳар бири ўз ҳолича бир санъаткор, ўз стилига — йўлига эга бўлган, халқ томонидан танилган ҳофиз ва машҳор дуторлар.

Бу санъаткорлар ўзбек халқ музика бойликларини сақлашда, бу хазинани бойиштиришда катта хизмат қилдилар. Булар жуда кўп ёшларга таълим бердилар. Бу соҳада айниқса тошкентлик Шораҳим Шоумаровнинг хизмати каттадир.

Шораҳим Шоумаров 1876 йилда Тошкентда сирчи оиласида туғилди. Оиланинг ночорлиги ёш ҳаваскорнинг ўқишига, саводли бўлишига имкон бермади. У ёш бўлишига қарамай, отасига ёрдам берарди. У отаси билан бирга бошқа шаҳарларга, айниқса Фарғона томонларга тез-тез бориб турар эди. Фарғонанинг енгил ва шўх ашулалари ёш санъаткорнинг қалбини банд этди ва у бу сеҳиргар куйларни ўргана бошлади.

Шораҳим 16 ёшга кирганида отасидан ёғоч ўймакорлиги ҳунарини ўрганди. У оз вақт ичида бу ҳунарнинг моҳир устаси бўлиб танилади ва унинг ўймакорлик санъати тез фурсатда Тошкент ва Фарғона водисига тарқалади. Шу ҳунарни туфайли шаҳарма-шаҳар юрар экан, Фарғонада танилган Мадумар, Абдуқаҳҳор, Раҳмат ва Маҳзум ҳофизлардан янги-янги ашулалар эшитади, улар билан танишади ва секин-секин уларга қўшилиб ашула айта бошлайди.

Шораҳим 18 ёшида биринчи мартаба Мадумар ва Абдуқаҳҳор ҳофизлар билан, кейинроқ эса Маҳзум ва Раҳмат ҳофизлар билан тўй ва турли йиғинларга юра бошлайди. Бора-бора ўймакорлик ҳунари билан жуда кам шуғулланадиган бўлади, бунинг ўрнига янги-янги ашулалар ўрганади.

Шораҳим Шоумаровнинг ашула айтишдаги санъати Ўзбекистоннинг энг чекка жойларигача тарқалади. Халқ уни ҳурмат билан тинглайди ва «Шораҳим ҳофиз» деб атай бошлайди.

1918 йили Тошкентда санъат ходимларининг профсоюзи ташкил қилинади. Шораҳим ҳофиз созанда ва ҳофизлар орасида биринчи бўлиб бу союзга киради. 1919 йилда Тошкентда музика техникуми очилади, Шораҳим ҳофиз бу ўқув юртидаги ёшларга ашула ва чолғу асбобларидан дарс беради. У, бу педагогика ишида 1940 йилгача ишлаб, жуда кўп созанда ва ашулачилар тайёрлайди. Шораҳим Шоумаров Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Юнус Ражабий, Имомжон Икромов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Пўлатжон Раҳимов, Мутал Абдуллаев, Зокирхон Содиқов, Аҳмаджон Мақсудов каби талантили шоғирдлари билан фахрланади.

Игирманчи йилларнинг бошларида Шораҳим Шоумаров ўша вақтдаги Тошкент ҳаваскорлари труппасининг илтимоси билан «Фарҳод ва Ширин» музыкали драма-сига халқ куйлари тўплайди.

Машҳур этнограф — композитор, Ўзбекистон ССР ва Туркменистон ССР халқ артисти, профессор В. А. Успенский 22—24 йиллари Бухорэда Шашмақомни ногага олиб бўлганидан сўнг Тошкентга қайтади. В. А. Успенский Тошкент ҳофизлари билан танишади ва улар ижросида музыкалар тинглайди.

Шораҳим ҳофизнинг ашула айтишдаги усталиги, сўзларни дона-дона қилиб аниқ айтиши, ритмининг равшанлиги ва ниҳоят ашулани ҳамма вақт бир маромда, бир хил, ҳеч қандай ўзгаришсиз ижро қилиши В. А. Успенскийга жуда маъқул тушади. Шунинг учун ҳам В. А. Успенский, Тошкент — Фарғона ашулаларини ногага ёзиб олишни Шораҳим ҳофиздан бошлайди.

Шораҳим Шоумаров бир мунча халқ ашулалари билан бир қаторда ногага йирик куйлардан «Дугоҳ Хусайн», «Чоргоҳ»нинг ҳамма қисмларини айгиб беради. 1930 йилдан бошлаб «Баёт», «Гулёри Шаҳноз», «Гиря», «Кўча боғи», «Дилхирож», «Сувор» ва яна бир қанча ашулаларни ёздиради.

Шораҳим Шоумаров ўзи бир неча янги ашулалар басталаганидан ташқари анча-мунча халқ ашулаларига янги авжлар ҳам қўшади. Масалан: «Гиря I ва II»нинг, «Гулёри Шаҳноз»нинг уфур қисми авжига мелодик парчалар қўшиб уларни кенгайтиради.

Моҳир санъаткор Шораҳим Шоумаров ҳозир 80 ёшга кирди.

* * *

Тўпламга 203 куй киритилди. Биринчи бўлимга 87 та йирик ва кичик формадаги ашула ва мақом парчалари, иккинчи бўлимга 53 та инструменталь музика, учинчи бўлимга 21 та катта ашула ва тўртинчи бўлимга профессиональ созанда ва ашулачиларнинг 42 та ашуласи кирган.

Булардан биринчи ва учинчи бўлимга кирган қўшиқларнинг кўп қисми ишқий лирик қўшиқлардир.

Ўзбекистонда кенг тарқалган уйғур халқ ашулаларидан айримлари, чунончи: «Тўйсанам», «Жон Андижон», «Оҳ лайли», «Содир полвон», «Уйнамду яхши» ва бошқалар киритилди.

Юқоридагилардан ташқари тўпламнинг биринчи ва иккинчи бўлимида «Бузрук», «Рост», «Наво», «Дугоҳ» ва «Ироқ» мақомларининг мушкулот ва наср қисмидаги айрим куйлар берилган. Китобнинг учинчи бўлимида Катта ашулалар («Патнос ашуласи») берилди. Ногага олишда энг оғир ва нозик бўлган бу жанр биринчи нашр қилинмоқда.

Тўпламнинг охириги тўртинчи бўлими профессиональ музикачи ва ашулачилар томонидан яратилган куйларни ўз ичига олади. Бу ашулалар халқ орасида бир неча йиллардан бери айтилиб, маълум даража оммалашгандир. «Кўзларинг» (Наби Ҳасанов музикаси), «Диёримсан» (Комилжон Жабборов музикаси), «Қошки», «Қадаҳ», «Уйин баёти» (Юнус Ражабий музикаси), «Жонон», «Шодлик» (Мирзаев музикаси)


каби куйлар шулар жумласидандир. Бу ашулаларнинг кўпчилиги йирик ёки кичик формадаги ўзбек халқ ашулалари асосида яратилган.

Бу тўплам «Ўзбек халқ музикаси» номи билан босилиб чиққан биринчи томнинг давоми бўлиб, музика маданиятимизнинг ривожланиши учун; хусусан композитор, музикашунос ва музикачиларга катта ёрдамчи материал ўрнида хизмат қилғусидир.

И. Акбаров



УЗБЕКСКАЯ НАРОДНАЯ МУЗЫКА



ворческое использование богатств фольклора может быть успешным лишь на основе его глубокого и всестороннего изучения, поэтому собирание и исследование народной музыки является одной из важнейших задач узбекского музыкознания. Систематическая научная работа в этом направлении в основном началась лишь после Великой Октябрьской социалистической революции, и естественно поэтому, что для полноты освещения предмета нужно сделать еще очень много.

Исторические памятники, сохранившиеся письменные свидетельства говорят о глубокой древности традиций узбекской народной музыки. Археологические данные, найденные в 1933 г. при раскопках городища Айртам¹ (фигурки музыкантов) доказывают, что история узбекской музыки начинается в далеком прошлом.

Разрушительные нашествия на Среднюю Азию различных иностранных поработителей, отрицательно отражаясь на развитии культуры и музыкального искусства народов Средней Азии, не смогли остановить развития народного творчества. Свидетельством этому служат многочисленные сохранившиеся трактаты о музыке среднеазиатских ученых. Эти труды являются важным источником к изучению истории узбекской музыкальной культуры.

Живший в X веке знаменитый ученый-энциклопедист Мухаммед Фарабий был одним из крупнейших знатоков теории музыки. Его труды в этой области явились пособием для ряда последующих исследователей, среди которых можно встретить имена гениального Абу Али ибн-Сино (Авиценны), жившего в 980—1037 гг., и поэта Абдурахмана Джами (1414—1492 гг.).

На основе старинных трактатов можно заключить, что песни различных форм и макамы известны с давних времен. Практика народного музицирования знала в прошлом (вплоть до наших дней) лишь одnogодосие. Музыкальные инструменты, используемые для сопровождения, удваивают мелодию, не нарушая одnogодосного изложения музыкальной мысли, хотя при игре на танбуре², рубаб³ и дутаре⁴ возникают элементы двузвучий.

¹ *Айртам* — город, находившийся недалеко от Термеза.

² *Танбур* — четырехструнный музыкальный инструмент, игра на котором производится при помощи плектра (нохуна). Из струн его 1-я, 2-я и 4-я настраиваются в унисон, 3-я настраивается в кварту или квинту вниз. Ладов у танбура около двадцати, образующих диатонический звукоряд, хотя отдельные лады позволяют извлекать и хроматизмы.

³ *Рубаб* — пятиструнный музыкальный инструмент, на котором играют при помощи плектра. Настройка рубаба кварто-квинтовая.

⁴ *Дутар* — двухструнный музыкальный инструмент. Звук извлекается ударами пальцев по струнам, изготовленным из шелка. Настраивается дутар в квинту, кварту или унисон. Дутар имеет 14—16 ладов, образующих сильно хроматизированный звукоряд. При одновременной игре на обеих струнах дутара образуются кварты, квинты, а при игре в открытом положении второй струны «зиль» встречаются интер-

Видный советский исследователь проф. В. М. Беляев делит узбекскую музыку на две группы, различая непрофессиональные и профессиональные произведения народного творчества, относя к последним созданные певцами (ашулачи, хафизами) и музыкантами-инструменталистами исполняемые преимущественно ими макомы. К непрофессиональной музыке проф. В. М. Беляев относит созданные народом и широко распространенные песни различных жанров и форм.

Музыкальные богатства, бытующие в народной среде в течение длительного времени, в художественном отношении неперестанно совершенствуются, шлифуются.

